



Журналимизда «ХОРИЖИЙ ТИЛНИ БИЛИШНИНГ УМУМЕВРОПА КОМПЕТЕНЦИЯСИ: ЎРГАНИШ, ЎРГАТИШ, БАҲОЛАШ» номли китобнинг ўзбек тилига таржимасини эълон қилиб борамиз. Ҳозир эътиборингизга ушбу китобнинг иккинчи бобини тақдим этамиз.

«ХОРИЖИЙ ТИЛНИ БИЛИШНИНГ УМУМЕВРОПА КОМПЕТЕНЦИЯСИ: ЎРГАНИШ, ЎРГАТИШ, БАҲОЛАШ»

2-БОБ: ЁНДАШУВНИ ТАНЛАШ

2.1 Фаолиятли ёндашув

Кенг қамровли, шаффоф ва изчил ҳужжат ўзида тилни ўрганиш, ўқитиш ва баҳолаш масалаларини умумлаштирган бўлиб, тилни ўрганиш ва ундан фойдаланиш жараёнлари ўртасидаги ўзаро алоқани белгилаб беради.

Қабул қилинган ёндашув фаолиятли ҳисобланади, чунки унда тил ўрганувчилар ва ундан фойдаланувчилар “ижтимоий фаолият субъектлари”, бошқача айтганда, муайян шароитларда, вазиятларда, фаолият соҳасида (тил билан боғлиқ бўлиши шарт эмас) масалаларни ҳал қилувчи социум аъзолари сифатида қаралади. Нутқий фаолият фикрнинг моҳиятини очиб берувчи нисбатан кенгроқ ижтимоий контекстда амалга оширилади. Фаолиятли ёндашув доирасида масалани ҳал этиш деганда, бир инсон ёки одамлар гуруҳи томонидан амалга ошириладиган ҳаракат тушунилади, бунда уларнинг ҳар бири муайян натижага эришиш учун ўзига хос компетенциялардан стратегик жиҳатдан фойдаланади. Фаолиятли ёндашув ижтимоий фаолият субъекти бўлган инсоннинг барча шахсий характеристикаларининг, биринчи галда, когнитив, ҳиссий ва иродавий манбаларининг бутун қамровини ҳисобга олиш имконини беради.

Шундай қилиб, тилдан фойдаланиш ва уни ўрганишнинг ҳар қандай шакли куйидаги атамалар билан изоҳланиши мумкин:

Тилдан фойдаланиш ва уни ўрганиш инсоннинг бир қанча ҳаракатларини ўз ичига ади ва уларни амалга ошириш жараёнида у

ижтимоий фаолият субъекти сифатида бир неча: **умумий ва коммуникатив компетенцияларни** ривожлантиради. Улар турли шароитларда ҳар хил **чекловларни** эътиборга олган ҳолда масалаларни ҳал этишни таъминловчи компетенцияларга таянади, ҳамда тегишли **стратегияларни** қўллаган ҳолда, муайян **мавзулар** ва **мулоқот соҳалари** билан алоқадорликда **матнларнинг** яратилиши ва /ёки қабул қилинишига йўналтирилган **фаолият турлари** ва **жараёнлар (ҳаракатлар)** орқали амалга оширилади. Мазкур жараёнларнинг мулоқотчилар томонидан ҳисобга олиниши ушбу компетенцияларнинг келгусида ривожланиши ва ўзгаришига олиб келади.

- *Компетенциялар* инсонга турли хатти-ҳаракатларни амалга ошириш имконини берадиган билимлар, кўникмалар ва шахсий сифатлар йиғиндисини ташкил қилади.
- *Умумий компетенциялар* тилга боғлиқ бўлмайди, улар ҳар қандай, шу жумладан, мулоқотга оид фаолиятни ҳам таъминлайди.
- *Коммуникатив тилга оид компетенциялар* айнан тил воситаларидан фойдаланган ҳолда фаолиятни амалга ошириш имконини беради.
- *Контекст* деганда, коммуникатив ҳаракатлар амалга ошириладиган ва инсонга нисбатан ички ва ташқи ҳодиса ва вазиятли омиллар (жисмоний ва бошқа) йиғиндиси тушунилади.
- *Нутқ фаолияти* деганда аниқ бир коммуникатив вазифани бажаришга йўналтирилган, оғзаки ва ёзма матнларни тушуниш ва/ёки яратилиши жараёнида мулоқотнинг муайян соҳасида коммуникатив компетенцияни амалда қўллаш тушунилади.
- *Коммуникатив фаолият турлари* муайян фаолият туридаги мулоқот жараёнида коммуникатив вазифаларни ҳал қилиш учун бир ёки бир нечта матнларни мазмунан қайта ишлаш/яратиш (тушуниш ва/ёки яратиш) жараёнида коммуникатив компетенцияни амалга оширишни назарда тутди.
- *Коммуникатив жараёнлар* – оғзаки ва ёзма мулоқотда яратиш ва қабул қилишни таъминловчи неврологик хатти-ҳаракатлар ва психологик жараёнлар кетма-кетлигидир.
- *Матн* – аниқ бир мулоқот соҳасида яратиладиган ва тушуниладиган ҳамда аниқ бир вазифани бажаришга йўналтирилган оғзаки ва/ёки ёзма фикрлар (дискурслар)нинг боғланган кетма-кетлиги.

- *Мулоқот соҳаси* деганда ижтимоий ўзаро муносабат амалга ошириладиган ижтимоий ҳаётнинг кенг камрови тушунилади. Мазкур ҳужжатда тил ўрганиш ва ундан фойдаланиш нуқтаи назаридан таълимий, касбий, ижтимоий ва шахсий соҳалар тушунилади.

- *Стратегия* – инсон ўз олдига қўядиган, ёки у ҳал этиши зарур бўлган вазифаларни ҳал этишга йўналтирилган ҳаракатлар йўналиши.

- *Вазифа* деганда аниқ бир натижага эришиш учун зарур бўлган, мақсадга йўналтирилган ҳаракат тушунилади. Масалан: муаммони ҳал этиш, мажбуриятларни бажариш, олдига қўйган мақсадга эришиш. Бунга турли туман ҳаракатлар (масалан, жавонни жойидан силжитиш, китоб ёзиш, ҳамкор томонидан шартномага маълум бир шартларни киритилишига эришиш, қарта ўйнаш, ресторанда буюртма бериш, чет тилдаги матнни таржима қилиш, дўстлар билан биргаликда мактаб газетасини чиқариш) киради.

Агар юқорида қайд этилган тоифаларнинг ўзаро муносабати (стратегиялар, матнлар, вазифалар, ўқувчининг умумий компетенциялари, коммуникатив тил компетенцияси, нутқий фаолият, тил жараёнлари, мулоқот контекстлари ва соҳалари) тан олингудек бўлса, тил ўргатиш ёки ўрганишнинг ҳар қандай шаклида мазкур тоифаларнинг ҳар бирига аниқ эътибор қаратилиши керак.

Шу билан бирга, муайян таълим жараёнининг мақсадлари ва баҳоланишидан келиб чиқиб, муайян тоифа ёки унинг таркибий қисмига алоҳида эътибор қаратилиб, бошқа тоифалар таълимнинг мазкур босқичи учун ёрдамчи, иккинчи даражали, хатто аҳамиятсиз деб қаралиши ҳам мумкин. Ўқувчилар, ўқитувчилар, ўқув дастурларини, қўлланма ва матнларини тузувчилар албатта устувор тоифани танлаш ва унинг бошқа тоифалар билан нисбатини аниқлаш борасида муаммога дуч келадилар. Одатда, ўқув курсининг мақсади коммуникация кўникмаларини ривожлантириш ҳисобланади (тил ўргатиш методикаси таъсирида бўлса керак). Амалда эса, ўқув дастурлари ўз мақсад ва вазифаларидан келиб чиқиб, бир-биридан сезиларли даражада фарқ қилиши мумкин: улар чет тилидаги нутқ фаолиятининг турли кўринишларини нисбатан тўлароқ ва сифатлироқ эгаллашга; умумий компетенцияларни ривожлантиришга; ниҳоят, стратегияларни такомиллаштиришга йўналтирилиши мумкин. Ҳаммасининг бир-бири билан боғлиқлиги ҳақидаги тушунча мақсадлар дифференциациясини инкор этмайди.

Юқорида қайд этилган асосий тофиаларнинг ҳар бири нисбатан умумий бўлган кичик тоифаларга бўлиниши мумкин. Улар кейинги бобларда кўриб чиқилади. Ушбу бобда эса умумий компетенция, коммуникация компетенцияси, коммуникация (нутқ) фаолияти ва мулоқот соҳалари турларининг турлича таркибий қисмлари кўриб чиқилади.

2.1.1. Умумий компетенциялар

Умумий компетенциялар (тил ўрганувчи ёки фойдаланувчи учун (5.1.га қаранг) ўз ичига *билимлар*, *кўникмалар* ва *экзистенциал компетенцияни*, шунингдек *ўқини қобилиятини* олади. *Билимлар*, бошқача айтганда, декларатив билимлар (*savoir*, 5.1.1.га қаранг) деганда инсоннинг тажриба орттириши (эмпирик билимлар) ва таълим олиши (академик билимлар) жараёнида тўпланадиган билимлари тушунилади. Мулоқотнинг самараси ундаги иштирокчиларнинг атроф-муҳит ҳақида ҳамма учун умумий бўлган билимлардан қанчалик хабардор эканлигига боғлиқ бўлади. Тил ўрганиш ва ундан фойдаланишда фақат тил ва маданият билан боғлиқ бўлган эмас, бунда бошқа билимлар ҳам муҳим аҳамият касб этади. Табиийки, фан ва техника соҳасига оид академик билимлар ва касб фаолияти билан боғлиқ эмпирик билимлар мутахассисликка оид хорижий матнларни тушуниш ва англаб етишда муҳим роль ўйнайди. Хорижий тилда нутқий мулоқот қилиш учун кундалик ижтимоий ва шахсий ҳаёт билан боғлиқ эмпирик билимлар (кунни режалаштириш, овқатланиш, транспорт, коммуникация ва ахборот) ҳам муҳим. Маданиятлараро мулоқотни амалга ошириш учун бошқа мамлакат ва ҳудудлардаги маълум бир ижтимоий гуруҳлар томонидан қабул қилинган қадриятлар ва қарашлар тизими (масалан, диний эътиқод, тақиқлар, ижтимоий, тарихий фактлар ва бошқалар) ҳақидаги билимлар жуда зарурдир. Ҳар бир инсон маълум бир маданиятга хос бўлган, ҳамда нисбатан универсал характерга эга муайян билимларнинг йиғиндисини эгаллаган бўлади.

Янги билимлар шунчаки мавжудларига қўшилмайди. Янги билимларни эгаллаш, бир томондан, мавжуд билимларнинг характериға, тўлиқлигига ва таркибига боғлиқ бўлса, иккинчи томондан, мавжуд тизимнинг қисман бўлса-да ўзгаришиға олиб келади. Табиийки, ўқувчида олам ҳақида билимларнинг мавжудлиги тил ўрганишға бевосита алоқадордир. Кўп ҳолларда тил ўргатиш методикаси ўқувчида мавжуд бўлган умумий билимлардан келиб чиқиб танланади. Аммо баъзи вазиятларда (масалан, табиий хорижий тил муҳитида ўқитишда) бир вақтнинг ўзида ҳам

лингвистик, ҳам нолингвистик билимларни ўзаро боғлиқ ҳолда ўзлаштириш жараёни кечади.

Табиийки, таълим олувчиларда олам ҳақида муайян билимларнинг бўлиши тил ўрганишга бевосита алоқадор бўлади. Аксарият ҳолларда тил ўқитиш методикаси ўқувчида мавжуд бўлган умумий билимлардан келиб чиқиб танланади. Аммо айрим вазиятларда (масалан, хорижий тилнинг табиий муҳитида ўргатиш жараёнида) бир вақтнинг ўзида ҳам лингвистик, ҳам нолингвистик билимларни ўзаро боғлиқ ҳолда ўзлаштириш юз беради. Бундай шароитда билимлар ва коммуникатив компетенция нисбатига алоҳида эътибор қаратиш зарур.

Кўникмалар ва **ноу-хау** (*savoir-faire*, 5.1.2.га қаранг). Хоҳ машина бошқариш, хоҳ скрипка чалиш ёки йиғилишни олиб бориш бўлсин – булар нафақат декларатив билимларнинг мавжудлигига, балки ҳаракатларни муайян кетма-кетликда бажара олиш кўникмасига ҳам боғлиқ бўлади.

Жумладан, биз тилга олиб ўтган машина бошқариш мисолида инсон кўп марта такрорлаш натижасида автоматик тарзда бажариладиган ҳолга келиб қолган бир қатор ҳаракатларни амалга оширади (масалан, уланишни ўчириш, тезликни алмаштириш ва бошқалар). Шу билан бирга, ушбу ҳаракатлар анланган ва маълум даражада шаклланган операциялар (“уланиш педалини секин қўйиб юборинг, учинчи тезликка олинг”) тарзида намоён бўлади ҳамда аниқ фактларни эгаллашни назарда тутаяди (машинада муайян кетма-кетликда жойлашган учта педал бўлади), одам “машина бошқариш технолгиясини ўзлаштириб олганидан кейин” улар орқа планга ўтиб қолади. Агар машина бошқаришни янги ўрганаётган одам ўзига у қадар ишонмагани боис (хато қилишдан, нўноқ кўринишдан кўркиш) алоҳида диққат-эътиборли бўлиши талаб этилса, кўникмалар тўпланиши билан у ўзини бир қадар эркин ва ишонч билан тута бошлайди (акс ҳолда у ҳам бошқа ҳайдовчиларга, ҳам йўловчиларга ноқулайлик туғдириши мумкин). Бу вазиятни қайсидир маънода тил ўрганишнинг айрим жиҳатларига ўхшатиш мумкин (масалан, флектив тилларда талаффуз қилишни ва грамматиканинг айрим бўлимларини, жумладан, шахс қўшимчаларининг тизимларини ўзлаштириш).

Экзистенциал компетенция (*savoir-être*, 5.1.3.га қаранг) деганда инсоннинг индивидуал хусусиятлари, характериға хос жиҳатлар, қарашлари, ўзи ва атрофдагилар ҳақидаги тасаввурлари, ижтимоий муносабатларга тайёрлиги йиғиндиси тушунилади. Мазкур компетенция фақатгина

инсоннинг доимий хусусиятлари йиғинидси билан ўлчанмайди. У тарбия натижаси бўлган омилларни ҳам ўз ичига олади ва ўзгариб бориши мумкин.

Шахсий хусусиятлар, қарашлар, темперамент (мизож) каби параметрлар тил ўргатиш ва ўрганиш жараёнида эътиборга олинishi зарур. Табиийки, ушбу параметрларга аниқ таъриф бериш мушкул бўлса-да, улар компетенцияларнинг умумий тизимига киритилиши керак. Мазкур хусусиятлар инсоннинг умумий компетенцияларига киради ҳамда унинг қобилиятлари билан узвий боғлиқдир. Тил ўрганиш ва ундан фойдаланиш жараёнида ушбу хусусиятларнинг ўзлаштирилиши ва ўзгариб бориши боис уларни шакллантириш таълим жараёнининг мақсадларидан бири сифатида қаралиши мумкин.

Бир неча бор такрорланганидек, экзистенциал компетенция маданий шартлилик хусусиятига эга, шу боис маданиятлараро мулоқот жараёнида муҳим аҳамият касб этади, жумладан, бир маданиятда дўстона муносабат ва кизиқиш билдиришни намоён этишнинг шакллари билан бири сифатида қабул қилинган ҳолат бошқа бир маданият вакиллари томонидан тажовузкорлик ёки ҳақорат сифатида қабул қилиниши мумкин.

Ўрганиш қобилияти (*savoir-apprendre*, 5.1.4 га қаранг) экзистенциал компетенцияни, кўникмаларни ривожлантиришни, декларатив билимларнинг ортишини рағбатлантиради ва турли компетенцияларни ўз ичига олади. Ўрганиш қобилиятини, шунингдек ўзи учун “бошқа нарса”ни – у бошқа тил, маданият, янги инсонлар ёки билимлар соҳаси бўлиши мумкин – очиш кўникмаси ва истаги сифатида ҳам таърифлаш мумкин.

Ўрганиш қобилияти умумтаълимий тушунча сифатида тил ўрганиш учун муҳим аҳамият касб этади. Маълум бир ўқувчиларда у қуйидаги тоифа ва улар таркибий қисмларининг турлича уйғунлиги тарзида намоён бўлади:

- экзистенциал компетенция: тил вакиллари билан бевосита мулоқотда ташаббус кўрсатиш ва хатто таваккал қилишга, суҳбатдошга ёрдам сўраб мурожаат қилишга, масалан, ундан маълум бир фикрни оддий сўзлар билан баён этишни сўрашга тайёрлик; суҳбатдошни диққат билан тинглаш, мулоқот жараёнида маданий шартланган тушунмовчилик эхтимолини англаб етиш;

- декларатив билимлар: маълум бир тилдаги тегишли турланувчига хос бўлган морфо-синтактик билимлар; айрим маданиятларда миллий анъаналар ёки диний қарашлардан келиб чиқиб чеклов, тақиқ ёки маросимлар бўлиши мумкинлигини англаб етиш;

- кўникмалар, масалан, луғатдан фойдалана олиш кўникмаси, ахборот марказида зудлик билан мўлжал ола билиш қобилияти; мулоқотнинг аудиовизуал ва компьютер техникаси воситаларидан (масалан, Интернетдан) фойдалана олиш.

Қуйидаги омиллардан келиб чиқиб, битта индивид ўз кўникмаларини турлича қўллаши мумкин:

- вазиятнинг ўзига хослиги: нотаниш одамлар билан мулоқот, мутлақо янгича билимлар соҳаси, бошқа маданият, хорижий тиллар билан танишиш;

- контекстнинг ўзига хослиги: бир хил муаммоли вазиятда (масалан, мазкур жамиятдаги ота-оналар ва болалар ўртасидаги муносабат) этнограф, сайёҳ, журналист ёки шифокор моҳиятни англаш учун турли ёндашувлардан фойдаланади;

- босимли вазият ва аввалги тажрибанинг ўзига хослиги: табиийки, бешинчи хорижий тилни ўрганиш жараёнида қўлланиладиган кўникмалар биринчи тилни ўрганишда қўлланилган кўникмалардан фарқ қилиши мумкин.

“Таълим фаолияти услуби” ёки “тил ўрганувчининг тавсифи” тушунчалари билан бирга ушбу омиллар ҳам эътиборга олинishi керак. Асосийси, охириги тушунча ўзгармас, деб қабул қилинмаслиги керак.

Индивид томонидан таълим мақсадларида у ёки бу вазифани бажариш учун қўлланиладиган стратегиялар унинг ўзига хосликларига боғлиқдир. Бошқа томондан эса, индивиднинг таълим фаолиятига қобилияти ўқув жараёни ранг-баранглигидан келиб чиқиб ривожланади.

2.1.2. Коммуникатив тил компетенцияси

Коммуникатив тил компетенцияси *лингвистик*, *социолингвистик* ва *прагматик* таркибий қисмлардан ташкил топиб, ўз навбатида, уларнинг ҳар бири ўз ичига билим ва кўникмаларни олади.

Лингвистик компетенция ўз ичига лексика, фонетика ва грамматика бўйича билимлар ҳамда тегишли кўникмаларни, шунингдек тилнинг тизим сифатидаги ҳамда вариантларининг социолингвистик аҳамиятига ва аниқ амалга оширилишларнинг прагматик функцияларига боғлиқ бўлмаган ҳолдаги, бошқа хусусиятларини олади. Коммуникатив тил компетенциясига нисбатан қўлланилганда, ушбу таркибий қисм нафақат билимларнинг ҳажми ва сифатини (масалан, товушларнинг маъно ажратиш функциялари ҳақидаги билимлар, луғатнинг ҳажми ва тўғрилиги), балки когнитив ташкил этилиш ва сақлаш усулини (масалан, сўзловчи муайян лексик бирликни жойловчи

ассоциатив тармоқ), шунингдек улардан фойдаланишнинг қулайлигини (эсга олиш, хотирада тиклаш, қўллаш) ҳам назарда тутати. Билимлар ҳар доим ҳам англаган бўлмади ва ҳар доим ҳам аниқ баён этилмаслиги мумкин (масалан, бу нарса тилнинг фонетик тизимини билишга тааллуқли бўлиши мумкин). Луғатнинг когнитив ташкил этилиши, унинг сақланиши ва фойдаланиш учун қулайлиги турли инсонларда, ҳатто биртга одамнинг ўзида ҳам турлича бўлиши мумкин (масалан, кўп тиллилик ҳолатида) ва ўқувчиларнинг индивидуал қобилиятига, шунингдек инсон вояга етган ва ўқиётган маданий муҳитга боғлиқ бўлади.

Социолингвистик компетенция тилдан фойдаланишнинг ижтимоий-маданий шароитларини акс эттиради. Ижтимоий қоидаларга (муомала маданияти, турли ёш, синф ва ижтимоий гуруҳлар вакиллари ўртасидаги мулоқот қоидалари, мазкур жамиятда қабул қилинган муайян маросимларнинг тил воситасида баён этилиши) йўналтирилганлиги боис социолингвистик компонент турли маданият вакилларининг нутқий мулоқотига катта таъсир кўрсатади, гарчи улар аксарият ҳолларда буни англаб етмасалар ҳам.

12

Прагматик компетенция ўзаро муносабат схемаларига мос тарзда муайян функционал мақсадларда (коммуникатив функцияларни амалга ошириш, нутқий ҳаракатларнинг самаралари) тил воситаларидан фойдаланишни назарда тутати. Мазкур компонентга, шунингдек дискурсни эгаллаш, когезия, когерентлик, матнларнинг тур ва шакллари аниқлаш, истехзо ва пародия ҳам киради. Прагматик компетенциянинг шаклланишига ижтимоий ўзаро муносабатлар ва маданий муҳит жуда катта таъсир кўрсатади.

Юқорида санаб ўтилган барча тоифалар ва уларнинг таркибий қисмлари (масалан, ички репрезентациялар, механизмлар ва қобилиятлар) субъект томонидан ўзаро ижтимоий муносабат жараёнида ва когнитив даражада мавжуд бўлган ҳолда ўзлаштириладиган компетенцияларнинг соҳа ва турларини тавсифлайди, инсоннинг хатти-ҳаракатини, шу жумладан, нутқий фаолиятини таъминлайди. Шу билан бирга, мазкур компетенцияларни таълим жараёнида ривожлантириш ёки ўзгартириш мумкин. Мазкур таркибий қисмларнинг ҳар бирига 5-бобда алоҳида тўхтаб ўтамиз.

2.1.3. Нутқий фаолият

Коммуникатив компетенция фойдаланувчилар томонидан **нутқий фаолиятнинг идрок этиш, эслаш, интерактив ҳаракатлар** ва **медиация** (жумладан, оғзаки ва ёзма таржима) билан боғлиқ ҳар хил турлари орқали амалга оширилади. Бутун нутқий фаолият ҳам оғзаки, ҳам ёзма шаклда амалга оширилади.

Оғзаки ва/ёки ёзма фикрларни **идрок этиш** ва **эслаш** нутқий фаолиятнинг асосини ташкил этади, чунки интеракциянинг ажралмас қисми ҳисобланади. Аммо мазкур Хужжатда идрок этиш ва эслаш нутқий фаолиятнинг интеракцияга боғлиқ бўлмаган алоҳида тури сифатида қаралади. Идрок этиш ўз ичига овоз чиқармай ўқиш ва радио/телевидение хабарларини тушунишни олади, шунингдек таълим жараёни учун муҳим аҳамият касб этади (маъруза ва ўқув материалларини тушуниш, махсус адабиётлар ва маълумотномани, ҳужжатларни ўқиш). Оғзаки ва ёзма фикрларни эслаш таълим ва касбий соҳаларда (оғзаки ва ёзма шаклдаги хабарлар, маърузалар) муҳим ўрин тутди ва ўзига хос ижтимоий аҳамиятга эга (жумладан, аксарият ҳолларда ёзма матннинг, оғзаки маърузанинг, нутқ тезлигининг сифатига қараб, унинг муаллифига баҳо берилади).

Интеракция деганда икки ёки ундан ортиқ инсон ўртасидаги оғзаки ёки ёзма ахборот алмашинуви тушунилади ва бунда идрок этиш ва эслаш жараёнлари навбатма-навбат келиши, ёки бир-бирининг устига тушиши (оғзаки мулоқотда) мумкин. Аксарият ҳолларда суҳбатдошлар бир вақтнинг ўзида ҳам гапириб, ҳам тинглашади, хатто фикр билдиришнинг навбатига қатъий риоя этилган ҳолларда ҳам тингловчи ўзи томон йўлланадиган фикрни олдиндан тахмин қилиб, шунга мос жавоб тайёрлаб қўйишга ҳаракат қилади. Демак, интеракцияни эгаллаш учун фикрларни идрок этиш ва эслашни ўрганиб олишнинг ўзи камлик қилар экан. Интеракция нутқий мулоқот ва тил ўрганишда муҳим аҳамиятга эга.

Ёзма ва/ёки оғзаки **медиация** маълум бир сабабларга кўра бевосита мулоқот қила олмайдиган инсонлар ўртасида ахборот алмашинувини таъминлашга хизмат қилади. Бунда олинган ахборотни ушбу матннинг асли билан танишиш имконияти бўлмаган бошқа инсонга йўллаш мақсадида оғзаки ёки ёзма таржима қилиш, умумлаштириш ва ёзиб олишни таъминлаш назарда тутилади. Медиация, мавжуд бўлган матнни қайта ишлашдан иборат бўлгани боис, турли тил ҳамжамиятларининг ўзаро муносабат жараёнида меъёрида фаолият олиб бориши учун катта аҳамиятга эга.

2.1.4. Мулоқот соҳалари

Инсонинг нутқий фаолияти **мулоқотнинг турли соҳалари**да амалга оширилиб, улар тилларни ўрганишнинг амалий мақсадларига нисбатан **ижтимоий, шахсий, таълимий** ва **касбий** соҳаларда талқин этилиши мумкин.

“Ижтимоий соҳа” тушунчаси кишиларнинг ўзаро кундалик ижтимоий муносабатларига (тижорат ва маъмурий тузилмалар, ҳокимият органлари билан алоқалар; маданий тадбирлар; ОАВ билан муносабатлар ва бошқалар) нисбатан тадбиқ этилади. Ижтимоий соҳа инсоннинг оилавий муносабатларини, бўш вақтларидаги шахсий машғулотларини ўз ичига олувчи шахсий соҳа билан тўлдирилади.

Касбий соҳа ўз ичига касбий фаолиятнинг барча жиҳатларини олади. Таълимий соҳа махсус билимлар ва кўникмаларни эгаллашга қаратилган таълимий (одатда, таълим муассасаси доирасида) вазиятлар билан боғлиқдир.

2.1.5. Вазифалар, стратегиялар ва матнлар

Мулоқот ва ўрганиш вазиятларида ҳам тилга оид бўлган, ҳам тилга оид бўлмаган *вазифалар* ҳал этилиши мумкин. Мазкур вазифаларнинг ҳал этилиши нутқий фаолият жараёнида амалга оширилади ҳамда одамдан маълум даражадаги коммуникация компетенциясига эришишни талаб қилади. Бу жараёнда коммуникатив ва ўқув *стратегияларини* эгаллаганлик муҳим аҳамият касб этади. Ушбу вазифаларнинг ҳал этилиши фикрларни идрок этиш ва эслаш жараёнида оғзаки ёки ёзма матнларни қайта ишлашни, интеракцияни ва медиацияни назарда тутлади.

Мазкур ёндашув доирасида коммуникация субъектлари томонидан стратегиялардан фойдаланиш уларнинг компетенциялари билан қанчалик боғлиқ эканлиги ҳамда улар, бир томондан, вазиятни, иккинчи томондан, муайян контекстда ва муайян шароитларда вазифани/вазифаларни бажаришни қандай тушунишлари ёки тасаввур қилишлари муҳимдир.

Жумладан, олдига жавонни бошқа жойга кўчириш вазифасини қўйган одам ўзининг жисмоний кучини ишлатишга уриниб кўриши; жавонни бўлакларга ажратиб, уни бошқа жойда қайта йиғиши; ишчиларни чақиртириши ёки қўл силтаб бу ишни бошқа вақтга қолдириши мумкин. Аниқ стратегиядан келиб чиқиб (вазифани бажаришдан қочиш, уни ортга суришга интилиш, мақсадларни бошқача баён этиш), вазифани бажариш жараёнида нутқий фаолият ва матнни қайта ишлаш (масалан, қисмларга ажратиш/йиғиш бўйича йўриқномани ўқиш, телефонда сўзлашиш ва

бошқалар) амалга оширилиши мумкин (лекин шарт эмас). Худди шунингдек, мактабда ҳам инглиз тилидаги матнни таржима қилиш топшириғини олган ўқувчи тайёр таржимани топишга уриниб кўриши; дўстларига ёрдам сўраб мурожаат этиши; луғатдан фойдаланиши; ўзига маълум сўзлар ва иборалар асосида матннинг умумий мазмунини билиб олишга уриниши ёки вазифани бажармаслик учун баҳона топишга ҳаракат қилиши мумкин. Бу ҳолатда, санаб ўтилган барча стратегиялар нутқий фаолият ва матнни қайта ишлашни (оғзаки/ёзма таржима, дўсти билан сўзлашув, ўқитувчиси олдида ёзма равишда ёки оғзаки узр сўраш ва бошқалар) назарда тутати.

Стратегиялар, вазифалар ва матнлар ўртасидаги нисбат вазифанинг хусусиятига боғлиқ бўлади. Айрим вазиятларда айнан нутқий фаолият етакчилик қилади (масалан, матнни ўқиш ва изоҳлашда, бўш каталарни тўлдириш бўйича машқларни бажариш жараёнида, маъруза ўқиш пайтида, оғзаки хабарни ёзиб олиш жараёнида). Бошқа вазиятларда вазифани бажариш жараёнида фақат айрим тил компонентлари аралашади, яъни нутқий фаолият ёрдамчи вазифани бажаради (масалан, овқат пишириш жараёнида рецептни ўқиш). Ниҳоят, палаткани қандай тиклашни биладиган одамлар уни жимгина тиклашлари мумкин. Улар бу ишни бажариш жараёнида нима қилса яхши бўлиши тўғрисида бир-икки оғиз фикр алмашишлари, мутлақо бошқа мавзуларда суҳбат қуришлари ёки бирор бир кўшиқни хиргойи қилишлари мумкин. Аниқ мақсадли нутқий фаолиятга фақатгина иштирокчилардан бири нима иш қилишни билмаса ёки бирор бир қутилмаган вазиятлар содир бўлганда зарурат туғилиши мумкин. Бундай ёндашувда худди таълим жараёнида қўлланиладиган турли “аутентик” матнлар, ёки таълим мақсадларида махсус тузилган матнлар, дарсликлардаги матнлар, ёхуд ўқувчилар томонидан тайёрланган матнлар бир-биридан фарқ қилмаганидек, коммуникатив таълим вазифалари ва стратегиялари ҳам бошқа исталган вазифа ва стратегиялардан мутлақо фарқ қилмайди.

Кейинги бобларда ҳар бир тоифа ва унинг таркибий қисмлари мисоллар ҳамда имкон бўлган ҳолатларда ўлчов шкалалари билан батафсил баён этилади. 4-бобда тилдан фойдаланиш жараёнига оид тоифалар, тилдан фойдаланувчи ёки уни ўрганувчига қўйиладиган талаблар кўриб чиқилган. 5-боб тилдан фойдаланувчининг фаолиятини таъминловчи компетенцияларга бағишланган.

2.2 Тил билиш даражаларининг умумий тизими

Юқорида келтирилган тавсифий схемага қўшимча равишда 3-бобда “вертикал ўлчов”, бошқача айтганда тилни ўзлаштириш даражасининг ўсиб бориши тартибида жойлаштирилган. 4- ва 5- бобларда “горизонтал ўлчов” берилган бўлиб, унда коммуникатив фаолият ва коммуникатив компетенция параметрлари ўз аксини топган. Тилни ўзлаштирганлик даражасини параметрлар йиғиндиси сифатида тақдим этиш одатий амалиёт ҳисобланади ва схемада горизонтал ҳамда вертикал ўлчовда тасвирланади. Бу сезиларли даражада соддалаштириш ҳисобланади, чунки масалан, схемага “мулоқот соҳаси” деб номланган тоифанинг қўшилиши бизга учинчи ўлчовни тақдим этади ҳамда икки ўлчамли жадвални уч ўлчамли маконга айлантиради. Кўп қирралик бундай даражасининг тўлиқ графикада тақдим этилиши жуда мураккаб ва ҳатто имконсиз вазифадир.

Шунга қарамай, “вертикал ўлчов”нинг қўшилиши ўқув жараёнини нисбатан батафсилроқ режалаштириш имконини беради. У қуйидаги бир қатор сабабларга кўра муҳимдир:

- Тилни ўзлаштирганлик даражаси томонидан берилган ва мазкур Хужжатда келтирилган тоифаларга нисбатан қўллаш мумкин бўлган таърифлар ёрдамида ўқувчиларнинг турли босқичлардаги натижалари тўғрисида нисбатан тўлиқ тасаввурга эга бўлиш мумкин, айти пайтда ўқув жараёнининг нисбатан аниқ ва тушунарли мақсадларини белгилаб олиш имконияти туғилади.

- Даражалар тизимидан фойдаланган ҳолда ўқитишнинг давомли даврларини, ўқувчиларнинг натижаларига қараб уларни босқичларга бўлган ва босқичлар ўртасида давомийликни ҳамда дастур ва ўқув материаллари ўртасида ўзаро алоқани таъминлаган ҳолда, нисбатан самарали ташкил этиш мумкин.

- Тилни ўзлаштирганликнинг келтирилган параметрлари ўқувчилардаги ўқитишнинг маълум бир босқичида у ёки бу натижаларга эришишга қаратилган фаолиятнинг самарадорлигини баҳолашга ёрдам беради.

- Тилни ўзлаштиришнинг тақдим этилган параметрлари шунингдек, расмий таълимдан ташқарида олинган билим ва кўникмаларни баҳолаш имкониятини ҳам беради.

- Тилни ўзлаштирганликнинг умумий параметрлари ёрдамида турли таълим тизимлари ва ўқитиш контекстларига тааллуқли бўлган мақсадлар,

даражалар, материаллар, матнлар ва натижаларни осонгина солиштириш мумкин.

- икки ўлчамли жадвалдан фойдаланиш асимметрик вазифаларни кўйиш жараёнини соддалаштириш ва нутқий фаолиятнинг ҳар хил турларини ўзлаштиришнинг бир хил даражада бўлмаслигини (битта ўқувчига нисбатан) ҳамда асимметрик шакллантирилган компетенцияларни тушуниш имконини беради.

- Даража ва тоифаларнинг таклиф этилган ўқитишнинг у ёки бу мақсадларидан келиб чиқиб вазифалар кўйилишига ёрдам берадиган тизими давлат таълим органларининг инспекторлари учун фойдали бўлиши мумкин. Даражаларнинг бундай тизими ўқувчиларнинг турли соҳалардаги даражаси ўқитишнинг мазкур босқичида кўйиладиган талабларга қанчалик мос келишини баҳолаш; тилни самарали ўзлаштириш ва шахс ривожланишининг яқин ва узоқ муддатли мақсадларини кўйиш имконини бериши мумкин.

- Ниҳоят, даражаларнинг умумий тизимидан фойдаланиш таълимнинг турли секторлари ўртасидаги ҳамкорликни соддалаштириши мумкин. Аҳолининг кўчиб юриш эркинлиги ортиши билан ўқувчилар муайян ўқув жараёнининг нафақат охирида, балки ўртасида ҳам бир таълим муассасасидан бошқасига кўчиб ўтишади. Шу маънода ўқувчиларнинг натижаларини баҳолашнинг умумий шкаласини яратиш муҳим вазифалардан бири ҳисобланади.

Мазкур схеманинг вертикал ўлчамини кўриб чиқишда тил ўрганиш жараёни узлуксиз давом этишини ва индивидуал хусусиятга эга бўлишини унутмаслик керак. Мутлақо бир хил мулоқот компетенциясига эга бўлган иккита фойдаланувчини топиш мушкул (у ҳатто она тили ёки хорижий тил бўлса ҳам). Тилни билишнинг қандайдир “даражалари”ни ўрнатиш ҳам қайсидир маънода нисбий. Аммо амалий мақсадлардан келиб чиққан ҳолда (масалан, ўқув дастурини ишлаб чиқиш, аттестация имтиҳонларини ўтказиш), таълим жараёнини босқичларга бўлиш имконини берадиган муайян даражалар шкаласини яратиш муҳимдир. Даражаларнинг ўзи ва улар таркибий қисмларининг сони асосан муайян таълим тизимининг ташкил этилиши ва унинг олдида турган вазифаларга боғлиқ бўлади. Иловада тил билиш даражалари шкалалари ва дескрипторларни ишлаб чиқишда қўлланиладиган эхтимолий жараён ва тоифалар ҳақида батафсил маълумот берилган. Мазкур монография муаллифлари ушбу бўлим ва илова қилинган библиографияни диққат билан кўриб чиқишни тавсия этишади.

Шуни унутмаслик керакки, даражалар шкаласи фақатгина “вертикал ўлчов”ни акс эттиради. Шу билан бирга, тилни эгаллашда гап фақат вертикал йўналишда эмас, балки горизонтал ҳаракат ҳақида ҳам боради, бошқача айтганда, ўқувчи мулоқот фаолиятининг кенг спектрини ўзлаштириши талаб этилади. Аини пайтда ўқувчи маълум бир тоифа доирасидаги ўз билимларини чуқурлаштиришни истаб қолиши ва шу боис нисбатан қуйи даражага, бошланғич босқичга қайтиши ҳам мумкин.

Нихоят, даражалар шкаласи талқинига алоҳида эътибор қаратиш зарур. Шуни унутмаслик керакки, бундай шкаладаги бўлақлар (масалан, чизғичдагидан фарқли равишда) бир хил бўлмайди. Мавжуд шкалалар ёки даражалар кетма-кетлигининг бирортаси чизиқли кетма-кетлик эмас. Европа Кенгаши томонидан ишлаб чиқилган даражалар доирасида, гарчи мазкур даражалар бир хил узунликда туюлса-да, уларга эришиш учун турлича вақт зарур бўлади. Масалан, ҳатто шкала бўйича “Бошланғичгача” бўлган даража (Waystage) “Бошланғич” (Threshold Level)дан ярим кадам, ўз навбатида “Бошланғич” даража “Илгариланган бошланғич” (Vantage Level)дан ярим кадам фарқ қилиб жойлашган бўлса-да, мазкур шкаладан фойдаланиш тажрибасининг кўрсатишича, “Бошланғичгача” бўлган даражадан “Илгариланган бошланғич” даражасига етишиш учун “Бошланғич” даражага етишишдан кўра икки марта кўпроқ вақт зарур бўлар экан. Бу ҳол нисбатан юқорироқ даражаларда фаолият турлари доираси кенгайиши ва кўпроқ билим ва кўникмалар зарур бўлиши билан изоҳланади. Шундан келиб чиқиб, даражали шкала пастдан юқорига қараб кенгайиб борадиган “музқаймоқ идиши”ни эслатувчи диаграмма – уч ўлчамли ўлчов тарзида тасвирланади.

16

Аниқ бир мақсадга эришиш учун зарур бўлган ўрта вақт даврини ҳисоблашда қўлланиладиган даража шкаласидан фойдаланишда, айниқса, эҳтиёткорлик билан ёндашиш керак.

2.3. Тил ўрганиш ва ўқитиш

2.3.1. Ўқув мақсадларининг бундай талқин этилиши ўқувчилар талаб қилинадиган фаолият турларини амалга ошириш имкониятига эга бўладиган жараёнлар, ёки улар мана шу фаолият турларини таъминловчи мулоқот компетенцияларини ривожлантирадиган/ўзлаштирадиган жараёнлар ҳақида ҳеч нарса демайди. Шунингдек, улар ўқитувчилар тилни ўзлаштириш ва ўрганишни таъминлашда қўллайдиган услублар ҳақида ҳам сўз юритмайди.

Шу билан бирга, “Умумевропа компетенциялари”нинг асосий мақсадларидан бири хорижий тилларни ўргатиш ва хорижий тилларни ўрганиш жараёнининг барча иштирокчилари фақатгина мақсад ва вазифаларни эмас, балки ўзлари фойдаланаётган услублар ва олинган натижалар ҳақида тўлиқ ахборотга эга бўлишларига кўмаклашишдан иборатдир. Шу боис “Умумевропа компетенциялари” хорижий тилни ваколатли қўллаш билан боғлиқ бўлган билим, кўникма, эhtiёжларни ривожлантириш билангина чеклана олмайди. “Компетенциялар” хорижий тилни ўқитиш методикаси билан бирга уни ўрганиш ва ўзлаштириш жараёнларини ҳам кўриб чиқиши зарур. Мазкур масалалар 6-бобда муҳокама этилган.

2.3.2. Хорижий тилларни ўрганиш, ўзлаштириш ва ўқитишда “Компетенциялар”нинг ўрнини яна бир карра тушунтириб ўтиш зарур. Плюрализм демократик принципига асосан “Компетенциялар” нафақат кенг камровли, оммабоп ва изчил, балки очик, динамик ҳам бўлиши, догматик бўлмаслиги керак. Шу сабабдан ҳам “Умумевропа компетенциялари” хорижий тилни ўзлаштиришнинг табиати борасидаги мунозараларда ҳамда шу билан боғлиқ ҳолда, хорижий тилни ўқитиш ва ўрганиш назарияси юзасидан аниқ бир тараф бўла олмайди. Шу билан бирга, “Умумевропа компетенциялари” ўқитишнинг бир ёндашуви томонида туриб, бошқаларини четга суриб қўйиши мумкин эмас. “Умумевропа компетенциялари” хорижий тилларни ўқитиш/ўрганиш жараёнининг барча иштирокчиларига ўқитишнинг ўз назария ва амалий методларини аниқроқ ва тўлароқ баён этишларига кўмаклашиши керак. Мазкур вазифани бажариш учун “Умумевропа компетенциялари” умумий фойдаланиш учун оммабоп бўлган ва фойдаланувчиларни ўқув услублари ва материалларнинг хилма-хил олами билан таништирувчи ёки ўзлари учун таниш бўлган ўқитиш анъаналарига асосланган, илгари ўрганилмаган асосларни қайта кўриб чиқишга унловчи параметрлар, тоифалар, мезонлар ва шкалаларни белгилаб беради. Бу ана шу асослар нотўғри эканини билдирмайди; бунинг маъноси шуки, тил ўрганишни ташкил этиш учун масъул бўлган томонларнинг барчаси ўзлари яшайдиган мамлакатдаги, энг асосийси, бошқа Европа давлатларидаги ҳамкасблари томонидан ўзгартиришларни эътиборга олган ҳолда назария ва амалиётни қайта кўриб чиқишдан фойда олишлари зарур.

Очик, нейтрал “Умумевропа компетенциялари” табиийки, ягона сиёсат йўқлигини англатмайди. “Умумевропа компетенциялари”ни яратар экан, Европа Кенгаши асло юқорида, 1-бобда ҳамда вазирларнинг Мажлиси

томонидан қабул қилиниб, иштирокчи давлатларга юборилган R (82) 18 ва R (98) 6 Тавсияларида баён этилган принциплардан чекинмайди.

2.3.34 ва 5-боблар асосан фойдаланувчилар томонидан шу тилда сўзлашувчи бошқа кишилар билан мулоқот қилиш учун аниқ бир тилни ўрганишда зарур бўладиган фаолият турлари ва компетенцияларга бағишланган. 6-бобнинг каттагина қисми зарур қобилиятлар қандай қилиб ривожлантирилиши мумкинлиги ҳамда ана шу қобилиятларни ривожлантиришни қандай таъминлаш масалаларига бағишланган. 7- бобда тил ўрганиш ва ундан фойдаланиш жараёнида коммуникатив вазифаларнинг ўрни масаласи батафсил кўриб чиқилган. Шу билан бир вақтда, маданий ва тиллар хилма-хиллигига асосланган тил ўрганишнинг янгича ёндашуви билан боғлиқ муаммолар ҳали тўлиқ ўрганилмаган. Шу боис, 6-бобда кўптиллиликнинг табиати ва компетенциясининг ривожланиши нисбатан батафсил баён этилган. Унинг тил ўргатишнинг хилма-хил шакл ва услубларига ҳамда таълим сиёсатини ишлаб чиқишга таъсири масаласи 8-бобда ўз аксини топган.

2.4. Тил билиш даражасини баҳолаш

Айни пайтга қадар тилдан фойдаланишнинг табиати, фойдаланувчининг характери, ҳамла ушбу тоифаларнинг тил ўргатиш ва ўрганиш учун муҳимлиги масалалари диққат марказимизда бўлди.

9-(яқунловчи) бобда асосий эътибор “Умумевропа компетенциялари”нинг тилни ўзлаштирганлик даражасини баҳолашдаги ролига қаратилган. Бу рол “Умумевропа компетенциялари”ни қўллашнинг қўйида келтирилган учта асосий усулларида намоён бўлади:

- 1) матн ва имтиҳонларнинг мазмунини аниқлаш учун;
- 2) ўқув мақсадига эришишнинг муваффақияти мезонларини танлаб олиш учун; бу жараёнда мезонлар тилдан оғзаки ёки ёзма шаклда фойдаланишнинг аниқ бир ҳолатини баҳолашга нисбатан ҳам, шунингдек ўқитувчи, тенгдошлар ёки ўқувчининг ўзи томонидан амалга ошириладиган узоқ муддатли баҳолаш (ўз-ўзига баҳо бериш)га нисбатан ҳам қўлланилиши мумкин;
- 3) мавжуд тест ва имтиҳонлар ёрдамида аниқланадиган тил билиш даражасини таърифлаш учун. Бу эса аттестациянинг турли тизимларини солиштириш имконини беради.

Шундан сўнг бобда хорижий тилни билиш даражасини баҳолашни амалга оширувчилар дуч келадиган муаммоларни ҳал қилишнинг муқобил усуллари нисбатан батафсил кўриб чиқилган. Муқобил вариантлар контраст жуфтликлар тарзида берилган. Ҳар бир ҳолатда қўлланилган атамаларга аниқ изоҳ берилган, ҳар бир усулнинг нисбий афзаллик ва камчиликлари у ёки бу таълим контекстида хорижий тилни билиш даражасини баҳолаш қандай мақсадда амалга оширилаётганига қараб кўриб чиқилган. Бобда шунингдек, у ёки бу муқобил усулни қўллаш имкониятлари ҳақида маълумотлар ҳам мавжуд.

9-бобнинг давомида баҳолашни амалга оширилиши масалалари баён этилган. Қайд этиб ўтилган ёндашув хорижий тилни билиш даражасини баҳолашнинг амалий схемаси жуда ҳам мураккаб бўлмаслиги кераклигига асосланади. Батафсиллик даражаси чегарасини қатъий белгилаб қўйиш зарур, масалан, имтиҳоннинг эълон қилинган дастури имтиҳон материаллари ёки тестлар сингари батафсил бўлиши шарт эмас. Айниқса, оғзаки нутқни эгаллаганлик даражасини баҳолашда имтиҳон олувчилар вақт нуқтаи назаридан чегараланган бўладилар, шу боис баҳолаш параметрларининг чекланган миқдоридан фойдалана оладилар, холос. Масалан, тил ўрганишнинг кейинги босқичини танлаш мақсадида ўзларининг тил билиш даражаларини мустақил равишда баҳолашни истаган ўқувчилар вақт нуқтаи назаридан у қадар чекланган бўлмайдилар, аммо улар коммуникатив компетенция параметрларининг умумий тизимидан ўзлари учун аҳамиятли компонентларни ўйлаб танлаб олишлари зарур.

Буларнинг барчаси биргаликда “Умумевропа компетенциялари” кенг қамровли бўлиши кераклиги, аммо ундан фойдаланувчилар мақсадга мувофиқлик ва танлов принципларига амал қилишлари зарурлиги тўғрисидаги нисбатан умумий принципни намоён этади. Танлаш принципи таснифлашнинг соддалаштирилган схемаларидан фойдаланишни кўзда тутиши мумкин. Биз “коммуникатив фаолият” тушунчасини таҳлил қилганимизда кўрганимиздек, у умумий схемада алоҳида кўриб чиқиладиган тоифаларни бирлаштириши мумкин. Бошқа томондан эса, фойдаланувчининг эҳтиёжлари мезонларни янада такомиллаштириш ва улардан тор касбий манфаатлар соҳасида фойдаланиш заруратини келтириб чиқариши мумкин. Мазкур бобда юқорида санаб ўтилган барча масалалар кўриб чиқилган ва айрим имтиҳон комиссиялари томонидан тил билиш даражасини баҳолаш учун қабул қилинган баҳсли ҳолатлар схемалар ёрдамида илова қилинган.

9-боб кўпчиликка мавжуд имтиҳонларнинг мазмуни билан танқидий нуқтаи назардан ва яхшироқ тушуниб етган ҳолда танишиб чиқиш имконини беради, уларда имтиҳон комиссиялари миллий ва халқаро даражада (ALTE, ISS каби) малака имтиҳонларининг мақсадлари, мазмуни, мезонлари ва жараёнлари борасида қандай маълумотларни тақдим этишлари кераклиги борасида тасаввур уйғотади.

Мазкур боб педагогик ўқув муассасаларига ҳам бўлғуси ўқитувчиларни, ҳам ўз малакасини ошираётган амалиётчи ўқитувчиларни аттестациянинг мазкур янги тизими билан таништириш имконини беради. Аммо ўқитувчиларнинг ўз ўқувчилари билимларини ҳам ўқув машғулоти даврида, ҳам якуний босқичда баҳолашига қўйиладиган талаблар доимий равишда ортиб бормоқда. Ўқувчиларнинг ўзларини эса кўпроқ ҳам ўзининг келгуси таълим йўналишини режалаштириш, ҳам расман ўқитилмаган бўлса-да, уларнинг индивидуал кўп тиллилигини шакллантиришга хизмат қиладиган тил билиш даражасини баҳолашлари учун тил билиш борасида ўзларини мустақил равишда баҳолашга даъват этишмоқда.

Ҳозирги кунда турли мамлакатларда “Европа тил портфели”ни кенг жорий этиш масаласи кўтарилмоқда. Тил портфели ўқувчиларга кўп тиллилик томон силжишларини ўзларининг турли тиллардаги, жумладан, бошқа ҳолатда эътиборсиз ва аттестациядан ўтказилмай қолиши мумкин бўлган тиллардаги ўқув тажрибасини ҳужжатли тақдимот қилиш йўли билан ҳужжатда қайд этиб қўйишларига имкон яратади. Тил портфели ўқувчилар ўзлари ўрганаётган хорижий тилни билиш даражаларини доимий равишда мустақил баҳолаб боришларига кўмаклашишга йўналтирилган.

Тил портфелидаги маълумотлар ишончли деб тан олинishi учун уни ўйлаб ва аниқ тўлдириш керак. Бу ўринда “Умумевропа компетенциялари”ни кўллаш, айниқса, қимматлидир.

боб, айниқса, фаолият йўналиши матн тузиш ва имтиҳон олиш билан боғлиқ бўлган кишиларга алоҳида тавсия этилади. 9-боб “Имтиҳон олувчилар учун Йўриқнома” (документ СС-Lang (96) 10 rev. ҳужжат). Мазкур «Йўриқнома»да тестларни тузиш ва баҳолаш масалалари батафсил кўриб чиқилган ва у 9-бобнинг иловаси ҳисобланади. Ундан библиография, мисоллар таҳлил қилинган илова ва глоссарий ҳам ўрин олган.

**Наргис Қосимова
таржимаси.**